

БУЮК ЖАДСОРАТ

СОВЕТ „ВЕНЕРА-4“ АВТОМАТ СТАНЦИЯСИНING ИЖОДКОРЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

УЛУГ
ОКТАБРНИНГ
50
ЙИЛЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 208 (3690).

Жума, 20 октябрь 1967 йил.

Баҳоси 2 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига

Планеталараро «Венера-4» автомат станциясини яратиш, тайёрлаш, учуриш ва парвозини амалга оширишда қатнашган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчилар коллективлари жонажон Коммунистик партиямизга ва Совет ҳукуматига шу нарсани хурсандчилик билан маълум қилдиларки, Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг шонли эллик йиллигида партия ва ҳукуматнинг яна бир муҳим топириғи бажарилди.

Планеталараро «Венера-4» совет автомат станцияси космик фазони талқин этиш тарихида биринчи марта шу йил 12 июнда гелиоцентрик орбитага муваффақиятли суратда чиқарилди ва у Венера планетасига бориб етди. Станция бугун, 1967

йил 18 октябрда планета сиртига равонлик билан тушиб қўнди. Илмий лаборатория Венерага олиб чиқилди. Бу лаборатория бевосита планета атмосферасида тадқиқотлар ўтказилишини жаҳонда биринчи марта таъминлади.

Жуда муҳим илмий маълумотлар олинди.

Бутун совет халқи каби биз ҳам Ойга юмшоқ қўнган биринчи станция каби Венеранинг сиртига бориб етган биринчи автомат станция ҳам Совет Иттифоқимизда вужудга келтирилганлиги ва учирланганлиги билан фахрланамиз.

«Венера-4» автомат станциясининг парвози билан планеталараро алоқанинг энг мураккаб техника вазифаларидан бири ҳал этилдики, бу нарса Қўёшга яқин космик фазони ўзлаштиришда янги саҳифа очилди.

Биз, автомат станцияни яратилганда қатнашган кишилар совет фанининг планеталараро фазони ўзлаштириш соҳасидаги ана шу жуда катта ютуғини Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг эллик йиллигига бағишлаймиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Совет Ҳукуматини ишонтириб айтмишми, олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар, ишчилар социалистик ватанимиз шухрати учун, бутун инсоният бахт-саодати учун планеталараро космик фазонини мақсадларда ўзлаштириш ишига бундан буён бутун қуч-ғайратларини сарфлай берадилар.

Планеталараро „Венера-4“ совет автомат станциясини яратиш ва учуришда қатнашган олимлар ва конструкторларга, инженерлар, техниклар, ишчиларга, барча коллектив ва ташкилотларга

Азиз ўртоқлар!

Планеталараро «Венера-4» совет автомат станцияси космонавтика тарихида биринчи марта бугун, 1967 йил 18 октябрда Венера сиртига илмий лабораторияни қўнди. Бу лаборатория планета атмосферасида ва унинг сиртида илмий тадқиқотлар комплексини муваффақиятли бажарди. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Герби сурати туширилган иккинчи вимпел Венерага элиб қўйилди.

«Венера-4» автомат станцияси иккинчи космик тезликда уча туриб, Венера атмосферасига ўтди, сўнгра эса аэродинамик тормозланганидан кейин махсус парашют системасида планета сиртига қўнди ва илмий тадқиқотлар программасини изчиллик билан тўла бажарди.

Венера планетасига автомат станциянинг парвози муваффақият билан бажарилди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ
КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ятли амалга оширилганлиги ва энг мураккаб илмий тажрибалар ўтказилганлиги совет фани ва техникасининг янги ва жуда катта ютуғи, жаҳон фанига қўшилган энг муҳим ҳиссадир. Космосдаги янги галаба Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг эллик йиллигига ажойиб туҳфа бўлиб, совет халқининг ижодий қучлари яшнаб бораётганлигини, Ватанимизнинг қудрати ўсиб бораётганлигини, социализмининг афзалликларини ёрқин исбот қилади.

Бутун совет халқи шу билан фахрланадики, космосдаги галаба энг мураккаб илмий-техника проблемаларини ҳал этган ва автомат станциянинг Венерага мислсиз парвозини таъминлаган совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари ва ишчиларининг истеъдод ва меҳнати билан қўлга киртилди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

Қўёш системасидаги планеталарни ва космик фазони талқин этишда ана шу буюк муваффақият бизнинг олимларимиз, конструкторларимиз ва ишчиларимиз КПСС XXIII съезди томонидан ўз олдларига қўйилган вазифаларни планли равишда бажараётганликлари яна бир марта исбот қилади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети, бутун совет халқи Венера сиртига биринчи марта равонлик билан қўнган «Венера-4» автомат станциясини ишлаб чиқиш, яратиш, учуриш ва унинг парвозини амалга оширишда қатнашган олимлар ва конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчиларни, ташкилотларнинг коллективларини қизғин ва самий табриклайдилар.

СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ.



РЕСПУБЛИКАМИЗ
ПАХТАСИ
3.000.000
ТОННАГА ЕТДИ

ҚУВОНЧЛИ ЯКУНЛАР

Республиканинг саноат меҳнатчилари Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, саноат ишининг асосий кўрсаткичлари, жиҳатидан тўққиз ойлик плани муддатидан олдин тўла ва ошириб бажаришга эришдилар, дейилади Ўзбекистон ССР марказий статистика бошқармасининг ахборотида. Янги маҳсулот ишлаб чиқариш давлат плани 102 процент бажарилди. Пландан ташқари бир неча ўн миллион сўмлик турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан янги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 9 процент ортди. Тошкент шаҳри, республиканинг барча областлари ва Қорақалпоғистон АССР саноати тўққиз ойлик планини муваффақиятли бажарди.

Саноатнинг айрим тармоқлари шу йилнинг 9 ойи ичида янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қуйидагича қўлайтирилди: электр энергияси ва иссиқлик энергияси 21 процент, ёқилги саноати 13 процент, қора ва рангли металлургия 11 процент, химия ва резина-асбест саноати 14 процент, машинасозлик ва металл ишлаш 07 процент, ўрмон, қоғоз ва ёғочсозлик саноати 9 процент, бинокорлик материаллари саноати 17 процент, енгил саноат 6 процент, озиқ-овқат саноати 9 процент.

Маҳсулот энг муҳим турларини натури ҳолатда ишлаб чиқариш соҳасида, дейилади марказий статистика бошқармасининг ахборотида, янги муваффақиятларга эришилди. Газ, кўмир ва нефть қазиб чиқариш, пўлат эритиш, электр энергияси ҳосил қилиш, лифтинг нефть маҳсулотлари, тракторлар ва трактор прицеплари, минерал ўғитлар, пахта толаси ишлаб чиқариш, шойи газламалар, пайпоқлар, устқир трикотаж, чарм пойфазалар, гўшт, мева-сабзавот консервлари, қаймоғи олинмаган сўт маҳсулотлари, ўсимлик ёғи ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида тўққиз ойлик план тўла ва ошириб бажарилди.

1967 йилда Ўзбекистон саноати қишлоқ хўжалиги учун ва айниқса пахтачилик учун керакли тағин ҳам мукаммал машина — механизмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди бори. Шу йил тўққиз ой мобайнида беш мингтадан кўпроқ таъмиллантирилган шу жумладан кенг қатор ораларда ишлайдиган пахта терини машинаси, 1800 тага яқин кўсак чувши машинаси, 4600 тадан ортқик трактор сеялкаси ва қишлоқ хўжалик техникаси

нинг бошқа турлари ишлаб чиқаришда.

Сўнгра Ўзбекистон ССР марказий статистика бошқармасининг ахборотида кўрсатиладики, шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,8 миллион киловатт-саноат кўп электр энергияси ҳосил қилинди, 3 миллион кубометр кўп газ қазиб олинди, 319 минг киловатт — амперлар, силёвой трансформаторлар, 271 та компрессор, 968 та трактор, 1377 та трактор-прицеп, 1111 та культиватор, 764 та чанглатич — пуркағи машиналар, 80,5 минг тонна цемент, 70,4 миллион дона бинокорлик гишти кўп ишлаб чиқарилади.

Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ҳам анча қўлайтирилди: газ плиталари 8,7 минг дона, рўзгор ҳодонлиқлари 4,5 минг дона, шойи газламалар 1,6 миллион квадрат метр, турли пайпоқлар 1167 минг жуфт, ички ва устқир трикотаж 1316 дона, чарм-пойфазалар сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,6 минг тонна, консервалар 68,8 миллион шартли банка, ўсимлик ёғи 1,9 минг тонна

моғи қамайди. Пахтадан ажратиб олинмаган тола миқдори қўлайди. Саноатда меҳнат унумдорлигини ошириш тўққиз ойлик плани ошириб бажарилди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу давридаги та нисбатан 7 процент ўсди.

Саноат маҳсулоти таннархини қайтариш плани ҳам бажарилди. Маҳсулот таннархини пасайтириш йўли билан пландан ташқари 25 миллион сўмдан ортқик маблаг тежаб қолди.

Учинчи кварталнинг охирига келиб, бутун саноат маҳсулотининг чорак қисмига яқинини ишлаб чиқарувчи 80 тадан ортқик саноат корхонаси планлаштириш ва иқтисодий раббатлаштиришнинг янги системасига ўтказилди. Корхоналар янги шароитларда ишлаб чиқариш, химия-машина уюшуллари, пахта терини машиналари, пахта толаси, таёёр кийимлар, консервалар, кондитер маҳсулотлари ва қаймоғи олинмаган сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш жиҳатидан ҳозирдаёқ бажариб бўлиди.

Марказий статистика бошқармасининг ахборотида саноат бир қанча тармоқларидаги корхоналар ишининг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланиши таъкидланади. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан элемент тегирилган ҳолда, корхоналарнинг бир қисми маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва фойда олиш плани бажарилганлигини таъкидлайди. (ЎзТАГ).

ҚАШҚАДАРЁ БАЙРОҒИДА ЛЕНИН ОРДЕНИ

ҚАРШИ, 19 октябрь. (ЎзТАГ).

Бугун бу ерда тантанали назияда Қашқадарё областига ҳукуматнинг олий мукофоти — Ленин орденини топириш маросими ўтказилди. Тантанали йилнинг област ижроия комитетининг раиси Н. Жалилов очди. Н. Жалилов областнинг Совет ҳокимияти ўрнатилганидан буён ўтган 50 йил ичида эришган муваффақиятларига қисқача тўхталиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Е. С. Насриддиновга сўз берди. У, хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари учун СССР Олий Совети Президиумининг Қашқадарё областини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармони ўқиб берди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги марказий статистика бошқармаси умуман саноатда план муваффақиятли бажаришда, корхоналарнинг бир қисми маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва фойда олиш плани бажарилганлигини таъкидлайди. (ЎзТАГ).

танининг биринчи секретари З. Сирожиқдиров, 13-қурилш трести бригадасининг бошлиғи С. Сафаров, Қарши педагогика институтининг проректори К. Шодинов, Ўздор районидagi Ленин номи колхозининг раиси А. Турсунов ва бошқалар бирин-кетин миғбарга чиқиб, ўз хурсандчиликларини изҳор қилдилар.

Ингилда Қашқадарё област партия комитетининг биринчи секретари И. Муродов, Самарқанд област ижроия комитетининг раиси А. Хўжаев, Бухоро област ижроия комитетининг раиси Н. Бозоров, Қашқадарё меҳнатчиларини мукофот билан қизғин табриклайдилар.

Тантанали йилнинг катта ишчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва министрлар Советига мактуб йўлладилар. Тантанали йилнингда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Р. Қурбонов қатнашди.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

[illegible]

